

8-15-2018

## About study the problems of speech habits

Z. AKBAROVA,

SH .ANVARXUDJAYEVA  
fdjournal@mail.ru

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/fdu>



Part of the [Linguistics Commons](#)

---

### Recommended Citation

AKBAROVA,, Z. and .ANVARXUDJAYEVA, SH (2018) "About study the problems of speech habits," *Scientific journal of the Fergana State University*. Vol. 1 , Article 24.

DOI: 41+4+8.085

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/fdu/vol1/iss3/24>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific journal of the Fergana State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

УДК: 41+4+8.085

## НУТҚ МАДАНИЯТИ МАСАЛАЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИГА ДОИР

З.Ақбарова, Ш.Анвархўжаева

### Аннотация

*Ушбу мақолада нутқ маданияти масалаларининг ўрганилишига доир тилшунос олимларнинг илмий-тадқиқий ишлари ва қарашлари тадқиқ этилган.*

### Аннотация

*В данной статье рассматривается научно-исследовательская работа и взгляды ученых лингвистов по изучению задач культуры речи.*

### Annotation

*In this article, the research work and views of linguistic scholars on the study of the problems of the culture of speech are examined.*

**Таянч сўз ва иборалар:** тил, нутқ, нутқий мулоқот, мурожаат, мотив, нутқ маданияти

**Ключевые слова и выражения:** язык, речь, речевое общение, обращение, мотив, культура речи.

**Key words and word expressions:** language, speech, communication, addressing, motive, faculty of speech.

Маълумки, тилнинг вужудга келиши катта ижтимоий эҳтиёж билан боғлиқдир. Жамиятнинг асоси бўлган инсонлар бир-бирларига ниманидир айтиш, фикр билдириш, узатиш ва, шунингдек, ахборот олиш орқалигина фаолият юритишлари мумкин бўлган. Бу жараёнда улар, албатта, ўзаро бир-бирларига мулоқот орқали муносабатда бўлганлар.

Жамиятнинг тадрижий ривожланиши, меҳнат тақсмоти аста-секин кишиларнинг алоҳида гуруҳ ва табақаларга ажралишига олиб келган.

Тил ҳақида фикр юритган Аристотель, Цицерон, Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд Замахшарий, Алишер Навоий каби алломалар нутқий мулоқотнинг мурожаат шакли ҳақида ҳам фикр билдирганлар. Хусусан, Абу Али ибн Сино жамиятнинг барқарор туришини ўзаро мулоқот билан боғлар экан, унда кишилар бир-бирига мурожаат қилишга ҳам муҳтож эканликларини кўрсатади [1.58].

В.В.Виноградов, В.В.Бабайцева, Л.Ю.Максимов, Н.С.Валгина, В.В.Колесов, Л.П.Крысин, А.А.Леонтьев, А.И.Ефимов, Б.М.Головин, В.Д.Бондалетов, В.М.Алпатов, Ю.Д.Дешериев, Н.И.Формановская каби рус олимларининг ишларида, мурожаатнинг нутқ жараёнидаги ўрни ҳақида фикрлар

билдирилган [2].

Кишилар ўртасидаги муносабатлар ниҳоятда мураккаб ижтимоий жараён бўлиб, бу муносабатлар мазмуний структурасида коммуникатив, интерактив ва перцептив жиҳатлар мавжуд бўлади. Бадиий асарларда ҳаёт лавҳалари акс этар экан, кишилар орасидаги муносабатларнинг кўринишлари персонажлар ўртасидаги ўзаро мулоқотларнинг психологик характериға мос ҳолда тасвирланиши шу санъат асарининг бадиий қимматини белгилловчи мезонлардан бири сифатида хизмат қилади.

Бу ўринда яна бир жиҳат таъкидланиши зарур: одатдаги фикр алмашиш жараёнида бўладиган мурожаатда сўзловчи субъектнинг турли новербал кўшимча ҳаракатларга эҳтиёжи бўлмайди. Бундай эҳтиёж сўзловчи-субъектнинг психологик мувозанати издан чиққан ҳолларда юзага келади. Психологик мувозанат эса ё ижобий туйғулар ёки салбий ҳиссиётлар билан кечадиган кўзғалишлар туфайли ўзанидан чиқади ва бунинг натижаси сифатида, турли новербал воситалар фикр алмашиш мулоқотида мурожаатнинг эмоционал жиҳатдан тўлдирувчиси бўлиб келади. Умуман, нутқ жараёнидаги психологик ҳолатнинг ана шу жиҳатлари туфайли дунёдаги баъзи халқларда тана ҳаракатларининг расмий қоидалари вужудга келган ва шаклланган.

*З.Ақбарова – ФарДУ ўзбек тилшунослиги кафедраси доценти, филология фанлари номзоди.*

*Ш.Анвархўжаева – ФарДУ рус тили ва адабиёти йўналиши 3-курс талабаси.*

Маълумки, инсон фаолият субъектидир. Фаолият эса доимий ҳаракатдан иборат бўлади. Фаолиятнинг ҳаракатдалиги унинг фалсафий қарашлари ва психологиясидаги тарихийликни юзага чиқаради, уни барқарор ҳолга келтириб шакллантиради. Миллий менталитет, маълум маънода, шу жараённинг маҳсулидир. Инсонларнинг фаолиятсизлиги улар психологиясидаги конформизмни барқарорлаштиради.

Инсонларда руҳий-маънавий эрка бўлган эҳтиёж улар ҳаётининг мутлақ эҳтиёжига айланган. Эҳтиёж В.С.Мерлин белгилаши бўйича, инсон томонидан бошдан кечирилган ва англаб олинган етишмовчилик. В.Н.Колбановский эса эҳтиёжни организм, шахс, жамиятнинг бошдан кечирилган, ҳис қилинган, аниқ, реал етишмовчиликлар ҳақидаги хабар-маълумотларга бўлган жавоби (реакцияси) бўлиб, вужудга келган етишмовчиликни йўқотиш учун уларни фаол сафарбарликка йўналтиради, деб белгилайди. А.В.Петровский томонидан “шахс фаоллигининг манбаси”, С.А.Рубинштейн томонидан “эмоция” деб белгиланса,

К.К.Платонов эҳтиёж “эмоциялар билан биргаликда вужудга келади” деб белгилайди. В.С. Мерлин эҳтиёжни мотив билан узвий боғлиқликда кўради – “ҳар қандай мотив эҳтиёждир” [3].

Инсонларда мулоқотга бўлган эҳтиёжи жамиятнинг барча даврларида ҳам муҳимлик даражасини йўқотмайди. Кишилар ўзаро мулоқотга киришганларида бир пайтнинг ўзида психик, лингвистик ҳамда социал хусусиятларини намоён этадилар. Самарали мулоқот жараёнини ташкиллай билиш масаланинг амалий аҳамиятини кўрсатса, уни назарий асосларини тўғри баҳолай билиш илм-фанга катта ютуқлар олиб келади. Мулоқотнинг жуда узоқ даврлар мобайнида ўрганилиб келинганлиги ҳам унинг масалалар таркиби ўта мураккаб ва қизиқарли эканлигидан далолат беради. Бугунги кунда замонавий йўналишларнинг муҳим асосида тил компетентлигига эътибор қаратилаётганлиги мазкур мулоҳаза ва тадқиқотларнинг узвий давомидир. Кўриб ўтилганидек, мулоқот амалий ва назарий тадқиқотлар учун муҳим объект бўла олади.

#### Адабиётлар:

1. Фалсафа курсининг айрим масалалари (ўқув-методик ёрдам). – Фарғона, 1996.
2. Виноградов В.В. Стилистика. Теория поэтической речи. Поэтика. – М., 1963; Бабайцева В.В., Максимов Л.Ю. Современный русский язык. Ч. 3. Синтаксис. Пунктуация. – М., 1987; Валгина Н.С. Синтаксис современного русского языка. – М.: Высш.Шк. 1991; Колесов В.В. Язык города. – М.: Высш.шк. 1991; Қрысин Л.П. Язык в современном обществе. – М.: Просвещения, 1969; Ефимов А.И. Стилистика русского языка. – М.: Просвещения, 1969; Головин Б.Н. Как говорить правильно. – М.: Высшая школа, 1988; Бондалетов В.Д. Социальная лингвистика. – М.: Просвещения, 1987; Алпатов В.М. Япония. Язык и общество. – М.: Наука, 1988; Дешериев Ю.Д. Социальная лингвистика. – М.: Наука, 1977; Формановская Н.И. Речевой этикет и культура общения. – М.: Высш.шк., 1989; Б.М Петров. Краткий психологический словарь – справочник. – М.: “Высшая школа”, 1974.

(Тақризчи: Ш.Искандарова, филология фанлари доктори, профессор).